

**УЧИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ****229 Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида  
мобил телефонлардан фойдаланишни тартибга солиш  
чора-тадбирлари тўғрисида**

Таълим-тарбия жараёни самарадорлигини янада оширишни таъминлаш, ҳар томонлама ривожланган ва баркамол авлодни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази манфаатдор вазирликлар ва идоралар, нодавлат таълим муассасалари билан биргаликда:

ушбу қарор билан тасдиқланган Низом талабларининг изчил бажарилишини;

ушбу қарор билан тасдиқланган Низомнинг мақсади ва вазифалари аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида кенг тушунтирилишини таъминласинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 21 май,  
139-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2012 йил 21 майдаги 139-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил  
телефонлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом, идоровий мансублигидан қатъи назар, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларида (кейинги ўринларда таълим муассасаси деб аталади) мобил телефонлардан (кейинги ўринларда телефон деб аталади) фойдаланиш тартибини белгилайди ҳамда сифатли таълим олиш ва касбий тайёргарликка эга бўлишда, давлат ва жамият манфаатлари йўлида ўқувчи ёшларнинг соғлиғини сақлашда хавф-хатарларни камайтиришда ўқувчилар ва талабаларнинг (кейинги ўринларда таълим олувчилар деб аталади) конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга йўналтирилган.

2. Таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш самарадорлигига эришиш ва ўқувчи ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш учун шарт-шароитлар яратиш ушбу Низомнинг мақсадлари ҳисобланади.

3. Ушбу Низом давлат ва нодавлат таълим муассасаларига татбиқ этилади ҳамда таълим олувчиларга, шунингдек таълим муассасаларининг барча тоифалардаги ходимларига нисбатан амал қилади.

4. Телефоннинг сақланиши учун фақат унинг эгаси (ота-оналар) жавоб берадилар.

5. Ушбу Низомнинг мақсадларига мувофиқ уни ишлаб чиқиш қўйидаги вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган:

а) бой интеллектуал мерос асосида ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларни, миллий мустақиллик ғояларини ҳурмат қилиш ва уларга садоқат руҳида тарбиялаш;

б) ўқув жараёнида, шу жумладан таълим олувчилар томонидан телефонлардан фойдаланиш билан боғлиқ қўйидаги салбий ҳодисаларнинг олдини олиш ва бартараф этиш:

ўқув материалларини улардан шпаргалкалар сифатида фойдаланиш учун, шунингдек машғулотлар вақтида таълим олувчилар фойдаланишадиган турли ўйинларни ёзиб олиш ва телефон хотирасида сақлаш;

ёшлар ўртасида маънавий-ахлоқий хислатларни бузувчи, зўравонлик, шафқатсизлик ва порнографик, шунингдек реакцион-сектант, сохта диний мафқурани тарғиб қилувчи, атрофдагиларни салбий ҳаракатларга ундовчи материаллардан иборат бўлган, кўرғазма, фон сифатида хизмат қилувчи расмлар, аудио-видеоёзувлар, чизма ва суратли тасвирлар, овозли видео роликларни намойиш этиш, тарқатиш, қўлланиш;

в) таълим муассасаларининг ички тартиб-қоидаларига риоя этишни таъминлаш учун таълим муассасаларида таълим олувчилар томонидан телефонлардан фойдаланишни тартибга солиш.

## **II. Таълим муассасалари ҳудуди ва хоналарида телефонлардан фойдаланиш тартиби**

6. Таълим муассасасига кириб келишда ҳар бир таълим олувчи, ходим, келувчи ва бошқа шахслар ўз телефони абонентининг чақирув овозини тўлиқ ўчириб қўйиши (телефонни «овозсиз» режимга ўтказиши) шарт.

7. Таълим муассасаларида ўтказиладиган ўқув машғулоти ва тадбирлар (сафланиш, тарбиявий соатлар, байрам, спорт тадбирлари ва шу кабилар) бошланишидан олдин таълим олувчилар:

телефонини ўчириб қўйиши;

телефонини портфели, сумкаси ва шу кабиларга солиб қўйиши шарт.

8. Таълим олувчиларга қуйидагилар қатъиян тақиқланади:

а) телефонини бўйнига осиб олиш, кўкрак чўнтақларида, шим, юбкалари чўнтақларида ва шу кабиларда сақлаш;

б) телефон аккумуляторини зарядлаш учун таълим муассасаси электр тармоқларига улаш;

в) телефони ёрдамида:

атрофдагиларга зўравонлик, шафқатсизлик, порнографияни тарғиб қилувчи видео ва суратларни намойиш қилиш;

таълим муассасасининг нуфузига, шу жумладан зўравонлик ва вандализм ҳолатларини суратга олиш ва кейинчалик уларни атрофдагиларга намойиш этиш йўли билан зарар етказиш;

г) ўқув машғулоти вақтида:

телефон орқали сўзлашиш ҳамда SMS (MMS) ва бошқа турдаги хабарларни жўнатиш;

телефонни стол устига қўйиш;

музыка, шу жумладан наушниклар орқали тинглаш;

сурат ва видео тасвирларни кўрсатишда телефондан фойдаланиш (ўйинлар билан шуғулланиш), тасвир (матн, расм, видеоёзув ва фотосуратлар) кўриш, диктофон, калькулятор, календарь, блокнот, ён дафтарча кабилар сифатида фойдаланиш;

суратга олиш ва видео тасвирга тушириш;

телефон (GPRS, Bluetooth, Интернет ва шу кабилар) орқали бошқа хизматлардан фойдаланиш.

9. Таълим муассасасида таълим олувчиларга машғулоти ва тадбирлар оралиғида фақат асосли ва кечиктириб бўлмайдиган зарур ҳолатларда отонаси (уларнинг ўрнини босувчилар), яқин қариндошлари, таълим муассасаларининг раҳбарлари ёки ходимлари билан зудлик билан боғланиш мақсадида телефонлардан фойдаланишга (қўнғироқ қилишга, SMS, MMS, GPRS

жўнатишга, Bluetooth, Интернет ва шу кабилар хизматидан фойдаланишга) рухсат этилади.

10. Машғулотлар ва турли тадбирлар оралигида телефон орқали сўзлашиш учун хонадан йўлакка ёки фойега чиқиш, паст овозда ва қисқа мулоқот қилиш зарур.

11. Фавқулодда вазиятлар вужудга келган тақдирда таълим муассасаларида телефондан фойдаланиш чекланмайди.

12. Таълим муассасасининг ўқитувчилари ва бошқа ходимлари:

ўқув машғулотлари вақтида телефондан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас;

дарсдан ташқари вақтда таълим оловчилар иштирокида телефондан фойдаланишни имкони борича чеклашлари шарт.

### III. Низом талабларини бузганлик учун жавобгарлик

13. Ушбу Низом талабларини бузган таълим оловчиларга нисбатан қуйидаги таъсир кўрсатиш чоралари қўлланади:

огоҳлантириш;

уларнинг кундалик дафтарига ёзиб қўйиш;

ота-оналарини (уларнинг ўрнини босувчи шахсларни) хабардор қилиш ёки тушунтириш суҳбати ўтказиш учун таълим муассасасига чақириш.

Ушбу Низом талабларини бузган талабаларга нисбатан олий таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларига мувофиқ чоралар қўрилади.

14. Ушбу Низом талаблари бузилган тақдирда таълим муассасасининг ҳар қандай педагог ходими таълим оловчидан телефонни олиб қўйиш, ушбу Низомни бузганлик ҳолати тўғрисида билдиришнома расмийлаштириш ва уни телефон билан бирга таълим муассасасининг (факультетнинг) директорига (деканига) ёки директор (декан) ўринбосарига, кейинчалик уни ота-оналарга (уларнинг ўрнини босувчи шахсларга, олий таълим муассасаларида эса — кураторга) бериш, ушбу Низом талаблари бузилганлиги ҳолатлари тўғрисида огоҳлантириш бериш ҳуқуқига эга.

15. Ушбу Низом талабларининг ҳар қандай бузилиши таълим муассасасида (факультетда) тузиладиган директор (декан) раҳбарлигидаги комиссия томонидан, синф раҳбари (куратор), таълим оловчининг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) иштирокида, шунингдек ота-оналар (талабалар) мажлисида муҳокама қилинади.

16. Ушбу Низом талабларига риоя этилишини таълим муассасасининг директорлари (факультет декани) ва унинг ўринбосарлари назорат қилади.

### IV. Яқунловчи қоидалар

17. Таълим муассасаси таълим оловчиларга тегишли бўлган телефонларнинг сақланиши учун жавоб бермайди, ушбу Низомнинг 14-бандида назар-

**229-230-моддалар**

**— 10 —**

**21 (521)-сон**

да тугилган ҳолатларда телефонларнинг олиб қўйилиши ҳоллари бундан мустасно.

18. Ушбу Низом талаблари ҳар йили имзо қўйдирилган ҳолда ҳар бир таълим олувчига ва унинг ота-онасига (уларнинг ўрнини босувчи шахсларга), олий таълим муассасаларида эса тегишли равишда ҳар бир талабага етказилади.